Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 31 март, чоршанба

№ 55 (21.406).

МАСЛАКДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Корея Республикасига, Индонезия Федерациясига ва Малайзия подшолигига тарихий сафарига ҳам ҳадемай бир йил тўлади.

31 март куни Малайзия Подшолиги Бош вазири, Малая бирлашган миллий ташкилоти раиси Маҳатҳир бин Муҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бошланади.

Давлатимиз бошлиғининг Малайзияга биринчи сафари чоғида икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни шакллантиришга ва ривожлантиришга оид ҳужжатлар мажмуи имзоланган, подшолик аҳолиси бу дунёда Ўзбекистон деган мустақил ва маслакдош ўлка борлигини кашф этган эди. Ўзбекистонликлар 36 йил аввал мустақилликка эришган, бозор иқтисодиёти шарофати туфайли фаровон турмуш кечираётган Малайзияни кўрган бўлсалар, малайзияликлар мамлакатимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан танишадилар, қадимий Туркистоннинг осори атиқаларини зиёрат қиладилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Япония томонидан босиб олинган Малайзияда босқинчилар урушда енгилгандан кейин миллий озодлик ҳаракати авж олди. Ниҳоят, 1957 йил 31 августда нуфузли миллий гуруҳлар билан келишган Буюк Британия империяси Малайзиянинг мустақиллигини тан олди. Малайзия Буюк Британия империясининг собиқ мустамлакалари ҳамдўстлигига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Саравак, Сингапур ва Сабоҳ бирлашиб, Малайзия Федерациясига асос солинди. 1965 йилда эса Сингапур федерациядан чиқди.

Малайзия, собиқ социализм лагерини истисно қилганда, дунёда етиштирилаётган каучукнинг 50 фоизини, қалайининг 40 фоизини етказиб беради. Ийрик қўшма корхоналар ҳиссаларининг асосий қисми Буюк Британия, Япония ва АҚШ компаниялари назоратида эканлиги мамлакат халқ хўжалигига ишончли маблағлар ва энг замонавий технологияни кириб келишига ҳамда маҳаллий ишчилар малакасининг ортишига замин ҳозирлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзияга ўтган йили қилган тарихий сафарида йирик саноат корхоналаридан бири «Петронас» компаниясидаги ишлар билан танишган эди. Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

Малайзияда нефть қазиш саноати анча ривожланган: ҳар йили ўртача 24,5 миллион тонна «қора олтин» қазиб олинмоқда. Сўнгги йилларда эса электроника, ундирма, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожланди.

Султон ва ҳукумат сиёсатининг асосини минтақавий сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш дастури ташкил этади. Эришилган тарихий ютуқлар асосида аҳолининг кўпчилигини ташкил этувчи Малаяларнинг миллий манфаатларини тўкис таъминлаш билан бирга хитойликлар, ҳиндистонликлар ва покистонликларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барқарор сиёсатнинг гаровидир. Масалан, шаҳар аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи ва фаровон турмуш кечирувчи хитойликларнинг барча иқтисодий ҳуқуқлари таъминланган ва давлат томонидан муҳофаза этилган. Айни вақтда уларнинг давлат, армия, полиция ва қозилик тизимларида хизмат қилиши қонун билан чеклаб қўйилган.

Малайзияда бозор муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар Осиё—Тинч уммони минтақасидаги давлатларда ва мулкларда амалга оширилган иқтисодий ва ҳарбий сиёсатнинг ижобий натижасидир. Минтақадаги давлатлар ва мулкларнинг АҚШ, Австралия, Япония ва Европа ҳамжамияти мамлакатлари илғор ишлаб чиқариш муносабатлари ва замонавий технологиясини ўзлаштириши ялпи, айни чоғда ўзига хос миллий сиёсат асосида кечди. Минтақавий иқтисодий сиёсатнинг афзалликлари туфайли барча ислоҳотлар ортиқча талофат ва инқирозсиз жорий этилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ва миллий бирлигини сақлаб қолди. Етакчи хорижий компанияларнинг мамлакатда корхоналар қуриши, табиий бойликларни қазиб олишда ва қайта ишлашда ҳамкорлик қилиши натижасида қўшимча маблағ ва илғор бошқарув ўзлаштирилди.

Малайзиядаги ҳозирги барқарор сиёсий вазият ва фаровон турмушнинг уч асоси мавжуд: биринчидан, иқтисодий сиёсатнинг миллий давлатчилик мафкураси — «Рукунегара», яъни давлат асослари деган расмий сиёсат билан уйғунлашиб кетганлигидир. Иккинчидан, чет эллардаги етакчи компанияларнинг Малайзия иқтисодиётига сармоя қўйиши ва мамлакат бойликларини ўзлаштиришда бевосита иштирок этиши. Бу илғор ишлаб чиқариш муносабатлари ва замонавий технологиянинг ўз вақтида кириб келишига ҳамда Малайзиянинг жаҳон бозорига тезроқ чиқишига имкон яратди. Учинчидан, соф иқтисодий омил, яъни камёб маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Малайзия бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи икки маслакдош ва тараққийпарвар давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига имконият яратади.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ, (ЎзА).

ҚУТЛУҒ МАРОСИМ

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси тайинланганига ҳамда унинг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширганига ҳадемай бир йил тўлади.

Ушбу сана арафасида 30 март куни Германиянинг Тошкентдаги элчихонаси очилиши маросими бўлди. Унда шаҳар жамоатчилиги фаоллари, давлат ва ҳукумат муассасалари ходимлари, ишбилармонлар ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна жаноблари меҳмонларни элчихона очилиши билан қутларкан, жумладан: Ўзбекистонда элчихонамизнинг очилиши нафақат Германия билан Ўзбекистон ўртасида вужудга келаётган алоқаларга хизмат қилади, қолаверса мустақил Ўзбекистонни Европага яқинлаштиради. Ишонч ёрлиғи топширилгандан бери кечган бир йил давомида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва маърифий-маданий алоқалар шаклланди. Ҳозирги кунларда ҳукуматимиз Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг Германияга расмий ташрифига катта тайёргарлик кўрмоқда. Бир ой ичида келажак ушбу сафарда Президент Ислом Каримов Германия канцлери Гельмут Коль билан музокаралар ўтказади. Мамлакатимизнинг беш вилояти билан танишади ҳамда Германия ишбилармонларининг нуфузли гуруҳи билан учрашади. Элчихонамиз Ўзбекистон мустақиллигининг янада мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунмиз, деб алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев германиялик меҳмонлар ва дипломатларга Ўзбекистон билан Германия алоқаларининг ҳозирги аҳволи ҳақида сўзлаб берган, саноати ниҳоятда ривожланган Германиянинг мўътадил, барқарор ва айни чоғда ҳужжатлар иқтисодиёти Ўзбекистондек табиий заҳираларга бой ўлка тимсолида зарур ва истиқболли ҳамкорга эга бўлади. Айнан шу тарихий жараённи амалга оширишда элчихонанинг мавқеи беқиёс. Биз шунинг учун ҳам икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига умид билан қараяпмиз, деди.

Элчихона очилиши маросимида Германия Федератив Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳиялари ижро этилди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТИНЧЛИК КОРПУСИ ҲИММАТИ

● Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ Американинг тинчлик корпуси кўнгиллиларидан Майкел Гвиз, Жон Котт, Ким Майэн, Петра Нобел, Франи Воли, Лорел Донафастлар Қашқадарё вилоятида иш бошлашди.

Улар икки йил давомида вилоят лицей ва мактабларида ўқувчиларга инглиз тилини, ишбилармонларга кичик бизнес сирларини, компютерлар билан ишлашни ўргатадилар.

Бу ишлар ҳаммаси бепул амалга оширилади. Чунки барча ҳаражатларни тинчлик корпуси ўз зиммасига олган.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

● Яқинда Белорусь республикасининг Гомель вилояти ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, саноат иқтисодиёти ва бозор муносабатлари қўмитасининг раиси В. А. Сорокин бошлиқ делегация Қашқадарёга ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимлигида меҳмонлар билан Қашқадарё вилояти маҳаллий ва тикувчилик саноати, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш корхоналари, ташқи иқтисодий алоқалар, деҳқончилик саноати мажмуи вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда товарларни айирбошлаш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан келишиб олинди. Томонлар ўзаро манфаатли дастурлар ишлаб чиқишга киришдилар.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Андижон шаҳрининг шундоққина этагида Қўнжи деган қишлоқ бор. Шаҳарнинг этагида жойлашгани учун ҳам шу ном билан атаган бўлсалар ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам шу қишлоқ деҳқонлари колхоз тузумидан бери пахта етиштириб келганлар... Гоҳ олдинда, гоҳ орқада қолиб оғир аҳволга тушган йиллари кўп бўлган.

ҚЎНЖИДА ТАЙЁРЛАНГАН...

ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИ КОЛХОЗ САНОАТЛАШГАН ХЎЖАЛИККА АЙЛАНДИ

Хўжалик аъзоларининг бахтими, ё бошқа сабабми, ҳар қалай, бўлар ишнинг бошига ботир келар қошига, дегандай, бундан беш-олти йил илгари жамоа хўжалигига Абдураҳмон Қодиров раис бўлиб келди-ю, ишлар юришиб кетди. Аввалига консерва цехи очилди. Озгина боғнинг меваси ҳам вақтида терилмай, тагига тўкилиб нобуд бўларди. Шу цех ишга тушди-ю, исрофгарчилик барҳам топди. У маҳалларда консервани нари-берига олиб бориб, пулига темиртерсак, қувур олиб келиш анча қулай эди. Раис югуриб-елиб бир талай қурилиш материалларини келтириб, босиб қўйган экан, мана шу кунларда асқотяпти.

Россия шаҳарларидан дўст-таниш топиб, бундан тўрт йил аввал тикувчилик цехига юздан ортиқ чок тикиш машинаси келтирди. Қишлоқ усталари бир ойнинг нари-берисида ҳайбатли бинони тиклашди. Қўзга бориб шаҳардан ҳунар ўрганиб қайтган қизлар иш бошладилар. Мана, ҳозир шулардан 112 таси аёлу эркакларнинг, ўсмиру болаларнинг 21 хил кийим-кечагини тикишяпти. Ўтган йилнинг ўзида хўжалик фабрикасида 21 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Абдухалил Исмоилов номли жамоа хўжалигининг раиси Абдураҳмон Қодиров пахтачилик билан шуғулланиб келган колхозни саноатлашган хўжаликка айлантириш учун кўп куч сарфлади. Энг аввало, қишлоқ хонадонлари тўла газлаштирилди, барча маҳалла, кўчаларга ичимлик суви етказиб берилди. Мактаб, боғча ва бошқа ижтимоий муассасалар учун бинолар қурилди.

Ҳозир Қўнжи қишлоғида жамоа хўжалиги маблағи ҳисобига қурилган омухта ем ишлаб чиқарадиган завод ишлаб турибди. Унинг бир кеча-кундузда 55 тоннагача маҳсулот тайёрлаш қуввати бор. Бу завод ёнида замонавий жиҳозланган ун заводи қурилиб бўлди.

Шунингдек, хўжалик ихтиёрида иккита ғишт заводи ишлаб турибди. Ўтган йили хумдонлардан 2 миллион дона пишиқ ғишт чиқарилди. Консерва цехида 63 тонна маҳсулот тайёрланди.

Ёғочни қайта ишлайдиган иккита цех, бадиий буюмлар цехи, гилам тўқиш цехи, тандир цехи, автомашиналарни таъмирлаш цехи... Хуллас, жамоа хўжалиги ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан 30 миллион сўм даромад олди.

Ўтган йили деҳқонлар чакки ишламадилар. Ҳар гектар ердан 34,2 центнердан пахта олиб, режани 124 фоиз адо этдилар. Режадан ортиқча ҳосил ҳисобига 130 тонна тола олишга эришилди.

Шу ўринда хўжалик раиси Абдураҳмон Қодировнинг республика деҳқонлари қурултойида билдирган жиддий эътирозига эътиборни қаратмоқчимиз.

— Қишлоқларда саноатни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омил пайдо бўлди, — деди у. — Ёрдамчи корхоналар даромадидан 40 фоиз солиқ олинади. Бунинг устига иш ҳақи билан соф фойдани қўшиб яна 18 фоиз солиқ олиняпти. Натижада бир даромадга икки солиқ солиниб, кичик корхоналар фойда ўрнига ёнидан пул тўламоқда. Агар бу тартиб давом этаверса, ҳадемай, кичик корхоналар синади ва улар очилмас бўлиб ёпилади. Бу нарсани солиқ органлари жиддийроқ қараб ўрганиб чиқадилар, деган умидимиз бор.

Ҳар холда биз қишлоқларда кичик ва ёрдамчи корхоналарнинг ривожланиши тарафдоримиз.

Рустам РАҲМОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• КЎКЛАМ ТАШВИШЛАРИ

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

Кўклам — меҳнат билан кўркам, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, баҳор келиши билан танти ўзбек деҳқони яна ўз тинчини йўқотади — далада экин-тикин ишлари қизғин бошланади. Кўкариш фаслида соҳибкору боғбонлар юмушига ҳам юмуш қўшилади. Бу даврда боғ ва токзорларни кенгайтириш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, янги тутзорлар барпо этишга киришилади.

Яшил ўсимликларнинг халқ хўжалиги ва айниқса экологиядаги улкан аҳамиятини ҳисобга олиб Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар, шунингдек қатор вазирлик ва ташкилотларда ўтган йили кузда ҳамда шу йил баҳорда 68,6 миллион дона мевали ва манзарали дарахт, ток кўчатларни экиш белгилаб олинганди. Хўш, бу юмушлар бугунги кунда қандай бажариляпти?

Мутахассислар фикрича, бу йил кўчат экиш учун кулай келди. Чунки намлик етарли бўлиб, кўчат экиш ишларини сифатли ўтказиш имкони туғилди. Дарвоқе, боғдорчилик ва кўчатчилик хўжаликлари ҳам етарли миқдорда ниҳоллар ўстиришди.

Афсуски, бу йил кўчат ўтқазиш бирмунча кечикиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасидан олинган маълумотга кўра, шу йил 1 мартгача республикамиз бўйича 8233 минг дона кўчат ўтқазилди. Бу эса кўзда тутилган режанинг 12,0 фоизини ташкил этди. Очиғи, айрим вилоятлар, қатор вазирлик ва ташкилотлар кўчат экиш режасини барбод қилдилар.

Баҳор мўътадил келадиган Тошкент, Сирдарё вилоятларида бу кўрсаткич 0,2 фоизга уддаланди, холос. Наманган вилояти, «Ўзбекгеология» бирлашмаси, республика давлат спорт қўмиталарида эса ҳали кўчат экишга киришилгани ҳам йўқ. Хўш, бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир кўклам кутиб турмайди-ку!

Хоразм, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари боғ ва токзорларида ҳам янги ниҳол ўтқазиш билан боғлиқ юмушлар ўлда-жўлда. Кўчат экиш ойлнги яхши ташкил этилмаган. Тўғри, илгаригидек фалон фоиз кўчат ўтқазасан, дейдиган даврлар ўтиб кетди. Ҳар бир хўжалик, корхона ёки ташкилот ўз имконияти даражасида бу ишни амалга оширмоқда. Муҳими эса, экилган кўчатларнинг тўлиқ униб чиқиши таъминланяпти.

Шу ўринда кейинги 2-3 йил ичида республикамизда яхши бир миллий анъана қайта тикланаётганини эслатиб ўтмоқчимиз. Дарҳақиқат, жойларда терак дарахти экишнинг одат тусига кираётгани қувончли ҳол. Очиғи, бу ўрмон ресурсларига бой бўлмаган республикамиз учун жуда муҳимдир. Негаки, кўпроқ терак экиш аҳолини қурилиш материаллари, биринчи навбатда ёғоч-тахта билан мўл-кўл таъминлаш имконини беради. Шуни ҳисобга олиб, кўпгина вилоятларда бу ишга сидқидилдан киришилди. Республика бўйича режадаги 8 миллион ўрнига 30 миллион дона терак ўтқазилди. Яқин йиллар ичида бу дарахтлар қурилиш материали сифатида аҳолига қўл келиб қолса ажаб эмас.

Машҳур боғбон, Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамуҳаммедов «Юртимизнинг тупроғи олтин, гупчак эксангиз ҳам кўкараверади» деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам, еримиз ҳосилдор, тупроғимиз очил дастурхон. Фақат унга меҳр, парвариш керак, холос. Бас шундай экан, айни навбаҳор кунлари кўчат экишни унутмайлик. Зотан, бугун экилган мевали дарахт ниҳоли эрта-индин мўл ҳосил беради, эл дастурхонининг тўкинсочнилигига хизмат қилади.

ФАОЛИЯТ БЎШАШМАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойидан кейинги давр мобайнида партия ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди? Хусусан Самарқандда ижроия бюро қанчалик тажриба тўплади-ю, қандай камчиликларга йўл қўйди?

Вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленумида ана шу мавзу атрофида фикр юритилди. Бу ҳақда кенгашнинг биринчи котиби Ш. Ғиёсов маъруза қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар — Пайариқ район ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати С. Бойзоқов, Самарқанд шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р. Юсупов, Каттақўрғон шаҳар болалар шифохонаси бош врачи А. Назарова, Жомбой район партия кенгаши биринчи котиби С. Икромов ва бошқалар ХДП ташкилотларининг жойларда маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳақида мулоҳаза юритдилар.

Анжуман қатнашчилари ХДП аъзоларининг халқ анъаналарида, маъракаларида фаол иштирок этишлари, аҳоли ўртасида жонли тарғиботни кучайтиришлари зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Пленумда вилоят партия ташкилотининг 1993 йилги бюджети тасдиқланди. Шунингдек, партия ишини янада жонлантириш мақсадида муайян йўналишлар бўйича комиссиялар тузилди ва уларнинг таркиби тасдиқланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов, вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов партия ташкилотларининг таъсис қурултойидан кейин амалга ошираётган ишларини таъкидлаш билан бирга Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш шароитида улар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирдилар.

Пленум кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ф. ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САХОВАТЛИ ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ — ХАЛҚ ДАСТУРХОНИГА

Республикада яшовчи ҳар бир кишини сабзавот ва хуштаъм мевалар билан қандай қилиб мўл-кўл таъминлаш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш учун тармоқ имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш муаммолари республика сабзавоткорлари, боғбонлари, соҳибкорлари ва қайта ишлаш корхоналарининг ходимлари кенгашида муҳокама қилинди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноати» давлат концернининг раиси А. Х. Тошканбоев ўтган йилнинг якунлари ва бу йилги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов қатнашдилар.

(ЎзА).

ТЕЖАМКОРЛИК—МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ДАРМОНИ

Ўзбекистон Давлат нефть маҳсулотлари бирлашмаси республикамиздаги барча вазирликлар, концернлар, идоралар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ватанпарвар фидойи фуқароларга мурожаат этиб, ҳамма-ҳаммани тежамкорлик ва иқтисод ҳаракатида фаол иштирок этишга чақиради.

Ушбу Мурожаатнома газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

ТЕЖАМКОРЛИК—МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ДАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ВАЗИРЛИКЛАР, КОНЦЕРИЛАР, ИДОРАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ХЎЖАЛИКЛАР ВА ВАТАНПАРВАР ФИДОЙИ ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз биродарлар!

Ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда жонажан Ўзбекистонимиз мустақиллиги тобора мустаҳкам илдиз отиб, ўсиб-улғаймоқда. Қисқа вақт ичида ҳаётимизда каттадан-катта ўзгаришлар бўлди. Президентимиз И. А. Каримовнинг доно сиёсати, тадбиркорлиги, воқеаларни олдиндан кўра билиши туфайли Ўзбекистонимиз тараққиётининг ойдин йўлига кириб олди. Президентимизнинг маънавий жамият қуриш йўлидаги дадил қадамлари, тинчлик, осойишталикни сақлаш борасидаги изчил сиёсати барча тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортмоқда. Шу боис жумҳуриятимизнинг барча меҳнат аҳли эртанги кунга, келажакка ишонч билан яшамоқда ва шу йўлда астойдил меҳнат қилмоқда.

Бизнинг тармоқ ходимлари Ўзбекистонимиз халқ хўжалигини нефт ва нефт маҳсулотлари билан бир маромда, узлуксиз таъминлашга даъват этилган. Президентимизнинг нефть маҳсулотларини сотишда тартиб ўрнатиш ва тармоқни бошқариш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб бозор иқтисодиёти шароитида таъминотнинг узлуксизлиги ва маромини қатъий йўлга қўйишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Нефт маҳсулотлари таъминотини муттасил ва барқарор йўлга қўйиш, бу борада қўшни ва қардош мустақил давлатлар билан тенг ҳуқуқдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини вужудга келтириш учун жамики ишларни бажармоқдамиз. Республикамизнинг нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни анча барқарорлаштиришга эришдик. Энг оғир, қарийб юз кун давом этган пахта йиғим-терими мавсумида барча жойга керакли миқдордаги ёнилғини етказиб бердик. Ҳеч қаерда ёнилғи йўқлиги ва етишмовчилиги туфайли узилиш ҳоллари бўлмади.

Бизнинг олдимизга баҳорги мавсумга 350 минг тонна дизел ёнилғиси, 150 минг тонна бензин жамғариш вазифаси қўйилган. Бу масъулиятли ишни адо этиш учун имкониятимиз, кучимиз етарли. Мана шу муҳим вазифани ҳар қандай сиёсий ўзгаришлар (форс-мажор) ҳолатида ҳам муваффақиятли бажариш имкониятини беради. Бу йўлда ҳукуматимиз бизни ҳамиша қўллаб-қувватлаб, керакли миқдорда кредитлар, қарзлар берянти. Халқ хўжалигининг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун бизга қимматли хомашё — жуда катта миқдорда пахта толаси, бошқа стратегик хом-ашё, саноат моллари ажратилган.

Лекин шунга қарамасдан, барибир нефт маҳсулотларини олиб келишнинг ўзи бўлмаяпти. Нарх-навонинг тўхтовсиз ўсиб боришидан ташқари жойларда юз бераётган беқарорлик, турли тўсиқлар ишимизга жиддий таъсир ўтказяпти. Одамларимиз нефт маҳсулотларини катта меҳнатлар эвазига совуқ, узоқ ўлкаларда ойлаб ётиб йўқни йўндириб олиб келишмоқда. Шундай қилмасак ҳам бўлмайди, ахир биз нефт маҳсулотларини асосий қисмини четдан — Россия, Қозоғистон ва Туркманистондан оламиз. Бироқ қандай бўлишидан қатъий назар биз яқин йиллар ичида қатор иллатларнинг илдизи бўлган эскича олди-берди воситаси — «чопарлар» орқали маҳсулот олиб келинишига чек қўйишимиз керак. Ўзбекистонимиз мустақил, тенг ҳуқуқли давлат бўлгандан кейин улар билан тенг, баббаробар гаплашадиган, ортиқча тўсиқларсиз мол алмашадиган бўлишимиз лозим. Бунинг учун Ўзбекистонимизнинг ёнилғи мустақиллигини таъминлаш талаб этилади. Юртимиз ер ости бойликларига кон, шу жумладан, нефтга ҳам, бироқ, ҳозирча уларнинг «кўзи» очилгани йўқ. Ҳадемай бу ишлар ҳам бўлади. Асосийси, заминимиз саҳоватли, иқтисодиётимиз ривожланган, халқимиз меҳнаткаш, сабр-тоқатли, ҳунарманд. Лекин бой эканмиз деб, ҳамма нарсани орқа-ўнгига қарамай сарфлашга, исрофгарчилик қилишга ҳақкимиз йўқ. Чунки биз невара-чевараларимиз — келгуси авлод ҳақида ҳам ҳозирдан қайғуришимиз даркор. Эзларингизга яхши маълумки, топганини, оғир меҳнатлар эвазига етиштирган маҳсулотини, хом-ашёсини сотадиган, эртани ўйламай борини еб ётадиган халқ, миллат ҳеч қачон, ҳеч кимда ҳурмат уйғотмайди, муҳими косаси оқармайди. Бундай юртга хорижий сармоядорларнинг ҳам интилишини орзу қилмаса ҳам бўлади.

Бугунги кунда республикамизнинг ёнилғи мустақиллигини таъминлашнинг бирдан-бир йўли тежамкорлик ва иқтисоддадир. Бу масала ҳозирги кунда ниҳоятда долзарб ва муҳим. Чунки катта қийинчиликлар билан олиб келинаётган нефт маҳсулотларининг муайян қисми уни нотўғри ишлатиш, сақлаш, тарқатиш ва бу борадаги турли ғирромликлар туфайли йўқотилмоқда, нест-нобуд қилинмоқда. Биз ҳаммага, барча идоралар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ватанпарвар фидойи фуқароларга мурожаат қилиб нефт маҳсулотларидан фойдаланишда тежамкорлик ва иқтисодга даъват этар эканмиз, бу билан эскида русум бўлган қандайдир шовқин-суронли «компанияни» бошламоқчи эмасмиз, балки Сизларни реал ишларга, ҳамма нарсадан ишнинг кўзини билиб, оқилона ва ўринли фойдаланишга, имкониятларни яна бир бор чамалаб кўришга чорлаяпмиз.

Ҳар йили ташкилотларнинг ёнилғи мойлаш маҳсулотларига бўлган фонди маълум даражада қисқартирилишига қарамасдан, ҳамон жойларда тежамкорликнинг манбалари жуда кўп. Аввалам бор қатор сабабларга кўра кейинги пайтларда ҳамма ерда иш ҳажми қисқарди. Қурилишлар сони, юк ташиш миқдори камайди. Бир қанча ташкилотлар тугатилди. Лекин ҳеч бир ташкилот, хўжалик бизга нефт маҳсулотларини камайтириб беринг, деб мурожаат қилаётгани йўқ. Аксинча, ҳамма ёрдам кўрсатишни, қўшиб беришни сўрайди. Ҳамон жойларда эскича фикрлаш ҳукмрон, қандай бўлишидан қатъий назар кўпроқ ўз қўли остига олиб қўйиш мушоҳадаси кучли.

Шу ўринда айримлар «савдо ташкилоти бўлсангизлар, қанча кўп сотишдан шунча манфаатдорсизлар, тежамкорликнинг сизларга нима кераги бор?» деб эътироз билдиришлари мумкин. Бундайларга айтадиган гапимиз битта: биз нефт маҳсулотларини фақат ташиб келтирадиган, хўжасизликка, исрофгарчиликка йўл қўядиганларнинг ўпқонини тўлдирадиган таъминотчилар эмас, балки маҳсулотнинг ҳақиқий хўжайини, эгасимиз. Қимматли «қора олтин»имизнинг исроф қилинишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Бу юксак фуқаролик туйғуси — ватанпарварлигимиз мевасидир. Бу туйғу ҳар биримизнинг ҳаётимизга мазмундорлик бахш этмоқда, қилаётган ишимиз учун фахр-ифтихор уйғотмоқда — буни сўз билан ифодалаш қийин. Шу сабабли биз бир гап бўлар каби қуллик, боқимандалик фалсафасининг илдизига болта уриш ниятидаги ҳақиқий ватанпарвар, фидойи фуқароларга мурожаат қиляпмиз.

Бугунги кунда республикамизда қарийб 2 миллион турли маркадаги тракторлар, автобус ва машиналар ишлатилмоқда. Хўш, улар бир кунда қанча ёнилғи ишлатади? Бир ойда, бир йилда-чи? Агарда ҳар бир ҳайдовчи кунига лоақал ярим литрдан ёнилғи тежашга эришса, бунинг остида қандай рақамлар пайдо бўлишини бир тасаввур этиб кўринг-а!

Минг афсуски, ўтказилаётган такширишлар жойларда хўжасизлик, исрофгарчилик, нест-нобудгарчилик кўплигидан дарак беради. Ўтган йили мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларда нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш, ишлатиш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш масалалари ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида 14 минг тонна миқдорида, 45 миллион сўмдан зиёд иқтисод манбалари топилди. Аксарият корхона, ташкилотларда, жамоа ва давлат хўжаликларида нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатишда йўл қўйилаётган камчиликлар — нефт омборлари ва ёнилғи қуйиш шахобчалари техник ҳолатининг талабга жавоб бермаслиги, зарурий ўлчов воситалари ҳамда тарқатиш ускуналари билан таъминланмаганлиги, сиғимларда ҳаво алмаштириш мосламаларининг йўқлиги ёки уларнинг ишга яроқсизлиги натижасида минг-минг тонналаб ёнилғи мойлаш маҳсулотлари беҳуда йўқотилмоқда. Шунингдек, ҳеч бир рақамларсиз, далил-исботларсиз дадил айтиш мумкинки, деҳқончилик хўжаликларидаги тракторларнинг 30—40 фоизи аккумуляторсиз ишлатилмоқда. Шу ўринда қиёсий бир далил келтирамиз. Бир трактор йил бўйи аккумуляторсиз ишласа ўртача ҳисобда белгиланганидан 500 кг. кўп ёнилғи сарфлайди. Буни республикамиздаги аккумуляторсиз тракторлар сонига бир кўпайтириб кўринг. Ҳайратланарли рақам пайдо бўлади. Шу билан бирга ҳамон тракторлар, машиналар, умуман техника воситаларининг беҳуда юришига, бекордан-бекор қатнашига ҳалигача чек қўйилгани йўқ. Бу ортиқча харажатларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ваҳоланки, харажатларни бир нечта бор камайтиришнинг катта имкони бўлган, ота-боболаримиздан қолган от-уловдан, аравадан фойдаланиш мумкин-ку! Унинг афзалликлари имкониятлари ҳақида ҳар қанча гапирсак бўлади.

Ҳамон қишлоқ хўжалиги ташкилотларида қимматбаҳо дизел ёнилғисини ёқишга чек қўйилгани йўқ. Республикамиз бўйича бу рақам бугунги кунда 59 минг тоннани ташкил этади. Бу нобудгарчиликнинг асосий сабаби илгаридари дизел ёнилғиси сув текин бўлиб, ҳеч бир қийинчиликсиз олиб келинарди. Ҳисоб-китоб бўйича бир литр дизел ёнилғиси ўрнига бугунги кунда 4—5 литр печ ёқилғисини харид қилиш мумкин-ку, ахир, Табиий газ нархи эса бундан ўн баробар арзон. Нимага хўжаликлар раҳбарлари бизга шундай таклифлар, истаклар билан мурожаат қилишмайди.

Мойлов-сурков маҳсулотларидан бир тонна салидол нархи 212 минг, автол, нигрол ва ҳоказолар бундан ҳам қиммат, 1 тонна холодильник мойи 350 минг сўм бўлганида бу маҳсулотларга муносабат ўзгарармикан? Таассуфки, текширишлар жойларда мойлов-сурков маҳсулотларидан фойдаланиш аянчли аҳволда эканлигини кўрсатмоқда.

Тежамкорлик ҳақида биз ҳар қандай гапирмайлик, бошқа турдаги ёнилғи манбаларини излаб топиш ва уларни амалда қўллаш ҳақида жиддий шуғулланмас эканмиз, ёнилғи мустақиллигини таъминлашда қийинчиликларга дуч келишимиз даргумон. Хусусан, бизнинг минтақада электр энергиясидан кенгроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Айниқса, темир йўлни электрлаштириш бўйича кўп иш қилиш мумкин. Ҳозир Буюк ипак йўлида жойлашган Пекин — Париж темир йўли ўтадиган Тошкент — Бухоро йўлини тўла-тўкис электрлаштириш имкониятлари ўрганилмоқда. Агар бу иш амалга ошса 300 минг тонна дизел ёнилғиси тежаб қолинади. Бу кўпмас —озмас иккита катта вилоятнинг бир йиллик эҳтиёжини бемалол қондиради.

Ўзбекистонда «зангори олов»имиз имкониятларидан фойдаланишга дадил киришиш давр талаби бўлиб қолди. Ҳозир автомобиль корхоналаридаги мавжуд машина паркининг 30 фоизини, ҳеч бир қийинчиликсиз, техник масалани ҳал этмай туриб газга ўтказиш мумкин. Шу билан бирга ёнилғини қонунга хилоф равишда четга сотишга бутунлай барҳам берайлик. Хўжасизликларга, қаллобликларга чек қўяйлик. Нефт маҳсулотларини талон-тарож қилинишига йўл қўймайлик.

Халқимизнинг «Кўрпангга қараб оёқ узат» деган ажойиб нақли бор. Аммо бугунги кунда рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар туфайли бир қанча ташкилотлар олган нефт маҳсулотлари ҳақини тўлолмай, қарзга ботиб қолишган бўлса-да, ҳамон ёнилғи сўраб мурожаат қилишяпти. Хусусан, сўнгги маълумотларга кўра ташкилотларнинг биздан қарзи 25,5 миллиард сўмдан ошиб кетди. Буни ким тўлайди, яна давлат ҳисобига боқимандалик бўладими? Қарздор ташкилотлар раҳбарлари нефт маҳсулотларидан қандай фойдаланаётганликлари ҳақида бир ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Биз ҳаммага, барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот илмгоҳлари ва ватанпарвар фуқароларга мурожаат қилиб нефт маҳсулотларидан тежаб-тергаб ишлатишда қандай таклиф, истак ва мулоҳазалар, илмий тадқиқотлар бўлса жон қулоғимиз билан тинглаймиз, энг яхши ишланмалар, таклиф-мулоҳазаларни рағбатлантирамиз. Зарурати бўлганида маблағ, ресурслар билан таъминлаймиз. Бу ўринда юқоридан кўрсатма кутиб ўтириш шарт эмас, жойлардаги раҳбарлар ўзлари ташаббус билан чиқишлари, замон талаби асосида кенгроқ мушоҳада юритиб, дадил ҳаракат қилишлари даркор.

Халқимизда «Ўзингникини бир тежасанг, халқникини икки бор тежа», «Тежамкор олқиш олар, исрофгар қойишга қолар», «Тежаган борига бор қўшар, тежамаган борини ҳам бой берар» каби асрлардан-асрларга ўтиб келаётган ажойиб нақллари бор. Келинглар, улуғ аждодларимиз йўл-йўриқларига, насиҳатларига амал қилайлик!

Президентимиз кўрсатмаларини ўзимиз учун қонун, дастуриламал билиб Ўзбекистон келажаги йўлида ҳар биримиз ўз улушимизни қўшайлик.

МУРОЖААТ «ЎЗДАВНЕФТМАҲСУЛОТ» БИРЛАШМАСИ ҲАЙЪАТИДА МАЪҚУЛЛАНГАН.

РЕДАКЦИЯДАН:

Нефть ва нефть маҳсулотларини кўпинча «қора олтин»га қиёс қилишади. Илгарилари бу ўхшатишда озгина муболаға, баландпарвозлик бўлса, ҳозир ҳақиқатан ҳам нефть маҳсулотлари нафақат «қора олтин»га, балки асл тиллага, беқиёс бойликка айланиб қолди. Бинобарин, ҳукуматимиз халқ хўжалиги тармоқларининг бир маромда ишлашини таъминлаш учун қийинчиликларга қарамасдан нефть ва нефть маҳсулотларини сотиб олишга каттадан-катта маблағларни, кучларни ажратяпти. Бу, демак, ёнилғининг ҳар бир мисқолидан ўринли, оқилона, ишнинг кўзини билиб фойдаланишни тақозо қилмоқда. Аммо Мурожаатда таъкидланганидек, бу борада, хўжасизлик, исрофгарчилик ҳолатлари жуда кўп. Биз Мурожаатни чоп этар эканмиз, ҳамма-ҳаммани тежамкорлик ва иқтисод ҳаракатида фаол иштирок этишга чақирамиз. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни, таклифлар ва танқидни, мақолаларни газетада мунтазам бериб борамиз.

Ўзбекистон Давлат нефть маҳсулотлари ҳиссадорлик бирлашмаси катта тежамкорликка эришган ташкилотларни, алоҳида шахсларни, бу мавзуни малакали ва асосли ёритган журналистларни қимматбаҳо совғалар билан мукофотлашни ўз зиммасига олди. Шу мақсадда «Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмасида мутахассислар, журналистлар иштирокида «Тежамкорлик штаби» тузилди. Мурожаатда кўтарилган масалалар юзасидан «Тежамкорлик штаби»га, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилишингиз мумкин: 33-91-49, 33-89-71.

• Бошқарув тизимидаги мўрт нуқталар

Иқтисодий танглик кескинлашиб халқнинг ижтимоий аҳволини, турмуш тарзини яхшилаш чоралари қидирилаётган бир пайтда Шаҳрихон районидаги олтита жамоа хўжалиги 14 та кичик-кичик хўжаликларга бўлиб юборилди. Натижада қишлоқда яшаса-да, қўлига кетмон эмас, балки қоғозқалам ушлагани эвазига маош олувчи мансабдор маъмурлар сони кўпайди.

Ҳисоблаб чиқдик. Бундай шахслар 512 кишидан 786 нафарга ошди. 1989 йилда уларга ажратилган иш ҳақи фонди 942280 сўмни ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб бу тур маош олувчиларга 15 миллион 500 минг сўмдан кўп пул тарқатила бошланди. Албатта, бу кўрсаткич пулнинг қадрсизланишини инобатга олган тақдирда ҳам маош олувчиларнинг бирмунча кўпайганини тасдиқлайди.

Шу жойда ўринли савол туғилади:

— Хўш, бу бўлиниш оқибати — хўжалик ва хожаларнинг кўпайишидан район меҳнаткашлари қанча наф кўрди? Бўлиниш ташаббускорлари кимлар эди? Улар хўжаликларни бўлиб нима каромат кўрсатишди?

Дарвоқе, 2—3 йиллик хулоса шуни кўрсатдики, хўжаликларни бўлиш яъни биридан иккинчи хўжаликни бунёд этиш ташаббускорларининг аксарияти мансабпараст кимсалар бўлиб чиқишмоқда. Улар ўз мақсадларини амалга оширишда ҳар хил йўллардан фойдаланишган. Масалан, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги раиси М. Азимов ушбу ўзи етакчилик қилаётган хўжаликни «Октябрь 60 йиллиги» жамоа хўжалигидан оломон тўплаш йўли билан ажратиб олди.

Ташаббускор «демократчи» раислик курсисига ўтириб олгач, хўжалик равнақини унутади. Ишни ўз ҳамёнини қаппайтириб олишдан бошлайди. Халқ манфаатини кўзлаб иш юритишни тилидан туширмайди-ю, аммо амалда ўз манфаатини ўйлайди. 1991 йил май ойида жамоа хўжалиги чорва моллари учун олиб келинган 4900 килограмм кунжарани бош ҳисобчи Хожимуродов, хўжалик экспедитори Долимов уччаласи нақд пулини ҳам тўламасдан бўлиб олишади. Текшириш жараёнида раиснинг битта «Т — 80» маркали тракторни ва яна бир «Зил—130» автомашинасини хўжаликда ишламайдиган шахсларга бепул ва ҳужжатсиз бериб юборганлиги аниқланди.

«Демократ» етакчи хўжалик жилови қўлимда, ернинг ҳам эгаси ўзимман қабилида иш тутади. Т. Тошболтаев бошлиқ иккинчи пахтачилик бригаласининг бир йилда 710696 сўм даромад беришга қодир икки гектар ерини полиз экадиган шахсларга 8 минг сўмга сотиб юборди.

Бу янги хўжаликнинг янги «хожаси» қилган яна бир ҳотамтойликни келтириб ўтмасак, ушбу «халқпарвар» қаҳрамонимизнинг характери очилмай қолиши табиий. Бинобарин, М. Азимов раислик лавозимидан фойдаланиб хўжалик хазинасидаги пул маблағларини асоссиз равишда тарқатган. Яъни жамоа хўжалигига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган «Дилбар» хусусий корхонасига ярим миллион сўмни қонунсиз ўтказиб юборган. Албатта, унинг жамоа аҳлига эмас, балки бегоналарга қилган бу ҳотамтойлиги вазирликнинг назорат-тафтиш бошқармаси томонидан аниқланди ва бу пуллар яна ўз жойи—хўжалик ғазнасига қайтарилди.

Хуллас, 1993 йил 5 февралда бўлиб ўтган «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий ҳисобот-сайлов йиғилишида М. Азимов хўжалик бошқаруви ҳайъати раислигига қайта сайланмади.

Зотан биз, бутун районда мавжуд хўжаликларнинг бири — «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ва унинг янги раҳбарлари иш фаолиятини мисолга олдик, холос. Қолаверса, бундай бошқа хўжаликлар ва улар «хожалари»нинг иш фаолиятини батафсил тасвирлашга уринмадик. Лекин, мазкур райондаги 14 хўжаликнинг аксариятида умумий манзара деярли бир хил: районнинг ижтимоий ва иқтисодий силжиши хўжаликлар ва хожалар кўпайгандан орқага кетгани рост.

Бу фикримизни баъзи бир рақаму далиллар келтириш билан ойдинлаштирмоқчимиз. Шаҳрихон районида 1989 йилда 43 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1992 йилга келиб, 28,9 минг тоннага камайиб кетди.

Ҳосилдорлик камайишига сабабни ернинг унумдорлиги пасайиб кетганидан эмас, балки олинадиган даромаднинг кўпроқ қисми буромадга чиқиб кетаётганидан қидирилса ўринли бўлади. Чунки хўжаликлар ва хожалар кўпайгач, раис, раис муовинлари, бош хосилот, бош муҳандис, бош чорвадор, ферма мудирлари, экспедитор, ҳисобчи ходимлар ва омборчи-ю ғазначиларни олиб юриш учун қўшимча автомашиналар керак бўлди. Уларга кунига ўртача 513 литрдан, йилига 145577,6 минг сўмлик, яъни 187,6 тонна ортиқча ёнилғи сарфланган. 1990 йилда янги ташкил қилинган жамоа хўжаликлари ҳисобига хўжалик ишларини юритиш, сут ташиш, ўт ўриш ва ташиш, фермаларга озуқа тарқатиш ва ҳоказо шунга ўхшаш юмушларни бажариш учун 587,4 тонна дизель ёнилғиси ортиқча ишлатилган.

Бинобарин, хўжаликлар бўлинмасдан илгари сут ва ёнилғи ташиш учун бутун районга 12 автомашина кифоя қилган. Ҳозирги кунга келиб бу юмушни уддалашга 28 та автомашина талаб қилинмоқда. Уларга эса кунига 400 литрдан, йилига 113206 минг сўмлик, жами 146 минг литр ёнилғи ортиқча сарф этилаётир.

Зотан, ушбу далил ва рақамлар шундай хулосани берадики, хўжаликлар раҳбарларининг амалдор бўлиб туришидан ташқари, у ер-бу ерга юриши ҳам бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзидан бўлмайди. Шундай экан, шу ерда ишлаб тер тўкувчи меҳнаткашга бундай раҳбарнинг фойдасидан зарари кўпроқ тегади. Шу боис ҳам шаҳрихонликларнинг хўжаликларни ва хожаларни кўпайтиришдан кўраётган нафи эмас, балки зарари шундоқ кўриниб турибди.

Ачинарлиси, аҳвол шундай бўлишига қарамай 1993 йил февраль ойида Шаҳрихон район жамоа хўжаликларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг биринчисида ҳам хўжаликларни йириклаштириш масаласи қўйилмади. Устига-устак 1993 йил 14 февраль куни агросаноат уюшмаси раиси А. Жумабоев билан келишилган ҳолда, текшириш натижаларини жамоа хўжаликлари аъзоларининг вакили бўлган бригада бошлиқларига етказишнинг ҳам иложи бўлмади. Бунга районнинг ўша пайтдаги ҳокими З. Усмонов бригада етакчилари таътилга кетганини важ қилиб кўрсатди. Йиғилишда фақат раҳбарлар тоифасидан вакиллар иштирок этишди, холос. Оқибатда текшириш натижалари халққа батафсил етказилмай қолди.

Хуллас вазирлик назорат тафтиш бошқармасининг фикри шундай. Шаҳрихондаги мавжуд хўжаликлар сони қарийб тенг ярмига қисқартирилмас экан, районнинг иқтисодий таназзулдан чиқиши қийин. Чўпон кўп бўлса қўй ҳаром ўлади, деганлар. Хўжалик ёҳуд раҳбарлар (хожалар)ни кўпайтириш эвазига яхши натижага эришиб бўлмайди.

О. БОБОБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи.

Ш. РЎЗИЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОЖАСИ КЎПАЙГАН ХЎЖАЛИКЛАР

МЕҲНАТКАШ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қисқариб бораётган иш ўринларини сақлаб қолиш бугунги кунинг долзарб масаласидир.

Чунки айрим корхона раҳбарлари меҳнат унумдорлигини ошириш ўрнига иш жойларини қисқартиришни афзал кўришади. Ишсизларнинг манфаатларини ким ҳимоя қилади? Олмалиқ шаҳар партия ташкилотлари котибларининг семинар-кенгашида шу масала муҳокама қилинган эди.

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинар-кенгашида корхоналарда қисқартирилган иш ўринларини қайта тиклаш масаласи муҳокама қилиниб, бу борада шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилинди.

Бу таклиф ҳаётий бўлгани учун тез жорий этилди. Жумладан, Олмалиқ маиший химия маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида шаҳар партия кенгашининг таклифидан сўнг қисқартирилган 150 нафар ишчи ўрни қайта тикланди. Олмалиқ темирбетон маҳсулотлари тайёрлайдиган корхонада эса ХДП шаҳар кенгаши таклифига кўра ишлар икки сменада ташкил этилди. Шу йўл билан корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар кўпайди.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ.

• НАВРЎЗ—93 •

КУНИ КЕЧА Қибрай районидаги Май қишлоғида Наврўз байрамининг азалий ифтихори бўлган улоқ мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва бошқа районларидан, қўшни Қозоғистон Республикасининг Тўлабий, Сариоғоч, Сайрам, Келес ҳамда бошқа жойларидан чавандозлар қатнашдилар.

Улоқ совринсиз бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам Қибрай районидаги юзга яқин саховатли хўжалик ҳамда ташкилотлар совринга 1,5 миллион сўмлик қимматбаҳо

ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

буюмлар — гилам, палос, совутгич, мотоцикл, шу жумладан от, қорамол тикишганди.

Соат 11 га яқин чавандозлар Май қишлоғидаги Оққум адирга йиғила бошлашди. Мусобақани район ҳокими Акбарали Йўлчиев очиб, чавандозларга омад тилади. Тўйбоши, яъни мусобақа сардори Налибой Абдувалиев мусобақани бошлашга ижозат берди.

Тез орада дастлабки совриндорлар ҳам аниқлана бошлади. Булар Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» жамоа хўжалигидан Қодир Тошматов, шу райондаги «Озодбош» посёлкасидан Абдуғани Қурбонов, қибрайлик Тангрибергган Жумабоев, Мухтор Мамировлар бўлишди.

Мусобақа тантаналари оқшомга қадар давом этди.

Н. РАФИҚОВ.

Суратлар муаллифи Абдувоҳид Тўраев.

«Ўзбекистон — ватаним менинг...»

Оналаримиз

Оналар ҳақида байрамлардагина гапиришни одат қилганмиз. Бу адолатдан эмас, албатта. Биз ҳамиша уларни мадҳ этмоғимиз лозим. Бу бурч бизга.

Қуйидаги илиқ сўзлар ҳам ўша муҳтарам зотлар ҳақида.

ОНАЛАРНИ АРДОҚЛАНГ

Лавҳа узра бош эгиб, ҳазрат Алишер Навоий Валиуллоҳнинг саҳиҳ ҳадислар асосида яратилган «Арбаъин»нарини аста варақлар эканман, оналарга бағишланган сатрларни ўқигач, беихтиёр, мутоаладан мушоҳадага ўтиб кетибман.

Оналар... Улар ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган. Лекин, Расули Акрам салаллоҳи алайҳи вассалом тиллари билан айтилган ҳадиси шарифнинг туркий олам маликушшуароси томонларидан назмга ўгирилган ушбу рубойи она мадҳининг гултожи бўлиб туюлди менга. Шундай мадҳияга сазовор бўлиш шарафига қайси оналар мушарраф бўлган экан? Мозийдан ва оний (ҳозирги замон)дан бундай оналарга кўплаб мисол топиш мумкин. Каминага, сабаби Булҳаваслик, кўрган-кечирганларини, эшитганларини ва ўқиганларини сайлаб, умр дафтарига ёзиб бориш урф бўлган эди: «Арбаъин» мутоаласидан фориғ бўлгач, дафтаримни варақлаб, оналар ҳақида қатор саҳифаларимга кўзим тушди ва улардан айримларини закий муштарийларнинг диққат-эътиборларига ҳавола этишга журъат этдим, илло, ҳадиси муборакда келибдирким «Инда зикри ассолиҳина танзилу ар-раҳмату» (яхши кишиларни зикр қилинса раҳмат ёғилади).

МОМО ҲАВОНИНГ ШАҲАРЛАРИ

Аллоҳнинг фарзларидан бўлмиш Ҳаж сафаримиз жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланмиш Жиддаи муборакни зиёрат қилишдан бошланади. Тайёрагоҳда бизни кутиб олган ватандошларимиздан бири, асли марғилонлик Муҳаммад Амин биродаримиз зиёратда бизга йўлбонликни лутфан зиммаларига олдилар. Шаҳар кўчалари бўйлаб сайр этар эканмиз, олти қаторли кенг ва равон, гард-ғуборсиз йўллар, мазкур йўллардаги қаторларни ажратиб турадиган оқ чизиқлар ўрнига ер остидан ёритилувчи чизиқларни кўриб бир бора ҳайратлансак, денгиз соҳилида 165 газ баландликка сув уфуриб турган зумрад ангиз фавворалари кўриб минг чандон ҳайратландик. Йўл-йўлакай, суҳбат асноси, Муҳаммад Амин, бу шаҳар инсониятнинг оналари бўлмиш Момо Ҳаво номлари билан боғлиқ экенлиги, Ҳаво онамиз жаннатдан тушганларидан сўнг шу ерда истиқомат қилиб, охируламр шу ерда вафот топганлари, муқаддас равзалари ҳам шу шаҳарда эканлиги ҳақида сўзлаб қолдилар. Биз дарҳол ўша жойи муқаддасга олиб боришларини илтимос қилдик. Равзани зиёрат қилиб, Муҳаммад Аминнинг уйларига йўл олар эканмиз у киши «Жидда» атамаси ҳам Ҳаво онамизнинг номлари билан муштараклигини, яъни бу номнинг маъноларидан бири «Момо» «Биби» (буви) тарзида эканлигини айтиб, ушбу муборак шаҳарга бўлган муҳаббатимизни янада оширдилар.

ТУТИЁ АЙЛАЙ

Мадинаи Мунаввара зиёрати пайтида асли қўқонлик бўлган ватандошимизнинг фарзандлари Айюбхон биродаримиз хизматимизда ҳозир турдилар. У киши, гарчи Қўқонда таваллуд топмаган бўлсалар-да, Ватан ҳақида тинглаб, суриштириб тўймас эдилар. Видолашув онлари яқинлашганда биродаримиз, оналари Ватанни қўмсаётганликлари, хат-хабар, дийдорлашувлар, совға-саломлар унинг ўрнини босмаётганлигини андуҳ билан сўзлаб, оналари «— Ҳожилардан сўраб кўр, ўғлим, Ватан тупроғидан олиб келган бўлсалар бир кафт, жилла бўлмаса, бир ушоқ берсинлар. Кўзимга тутиё айлай», деб илтижо этганларини изҳор қилдилар. Ҳаммамиз аввал бирбиримизга, сўнгра ерга боқиб, тилимиз лол бўлди, зеро, ўзимиз билан тупроқ олиб келишни ҳаёлдан фаромуш қилган эканмиз. Видолашар эканмиз, биз — беш юз нафар ҳожилар, Айюбхоннинг оналарини дуо қилиб, ўз Ватанларидан дийдорига мушарраф бўлишларини Аллоҳдан тилаб муножоти бадаракот ўқидик.

ТУРКИЯ ОНАЛАРИ

Туркияга сафаримиз пайтида, тақдир палаҳмони томонидан ирғитилиб, шу ерларга келиб қолган ватандошимиз, ҳаммаҳалламиз Лутфулло Темир хонадонларида ҳам меҳмон бўлдик. Истамбул зиёрати режаси ҳақида сўзлар эканмиз, мезбон хиёл кулимсираб қўйдилар-да, меҳмоннавозликни давом эттирдилар. Орадан кўп ўтмай, бир нечта ёши улуғ аёллар кириб келдилар. Таомдан фориғ бўлингач, мезбон пири занлар (ёши улуғ аёллар) томон ишора қилиб, бизга сўз айтдилар:

— Туркия зиёратини мана бу муҳтарам оналардан бошламоғингизни маслаҳат кўрар эдим, зеро Туркия мамлакати шу каби оналар билан тирикдир. Улар билан суҳбатлашар эканман, турк оналарининг ватанпарварликлари, юртга, элга бўлган муҳаббатлари мени ҳайратга солди. Мен Туркия тарихини гўё оналар заррабини орқали кўргандек бўлдим. Оналардан бирлари барча оналар тилидаги ва дилидаги сўзларни бизга намоён этдилар:

— Ҳар бир турк онаси фарзанд кутса, «Эй бор худоё, бўлажак фарзандим ўғил бўлса, албатта Ватанни ҳимоя қилиш учун ҳарбийга боради» деб орзу қилади ва ўғли вояга етгач фахр билан ҳарбий хизматга кузатади. Фарзандларимиз Ватан ҳимояси — она ҳимояси, эканлигини яхши ҳис этадилар.

Мезбон ҳам давра суҳбатига қўшилиб, айтишларича, жаҳон муҳорабаси даврида бир аскар йигит билан дўстлашиб қолган эканлар. Мазкур йигит ҳар уч-тўрт кунда бир бор онасидан мактуб олар экан. Ҳандақда душман ҳужумини пойлаб ўтирганларида, илтимосларига кўра, ҳалиги йигит мактубларнинг мазмунини айтиб берибди:

«— ...ўғлоним, сен дунёга келганингда бошим осмонга етиб, сени тарбиялаб, вояга етказиш Ватан ҳимоячиси бўлиб камол топишнинг йўлида заҳмат чекиш ватаним олдидаги энг юксак бурчим эканлигини қўни-қўшнилар, қариндошуруғлар даврасида айтган эдим. Ўғлоним, оқ сут бериб ўстирган онанг сўзини эсдан чиқарма». Ушбу қутлуғ сўзларни эшитгач, — деб давом этдилар мезбон — Туркиянинг тўрт юз йиллик қудратида шу каби оналарнинг, шу қобил тарбиянинг улкан ҳиссаси бор эканлигини ўйлаб, уларга тасанно айтдим.

Яна бир онанинг айтишларича, биринчи жаҳон муҳорабасидан сўнг Туркия мамлакати мушкул аҳволга тушиб қолганда, ҳукумат халққа мурожаат этиб, мамлакатни таназзулдан олиб чиқиш борасида бирдамлик ва мадад сўраган. Турк оналари биринчилар қаторида ушбу мурожаатга «Лаббай» деб жавоб бериб қўлларидаги узукларни, қулоқларидаги балдоқларини, сийналаридаги тўғноғичларини ва сандиқларидаги бисотларини тараққиёт жамғармасига топширганлар. Таҳсин, шоён таҳсин. Туркия жумҳурияти ҳозирги кунда тараққиёт даражасини, нуфузи ва қудрати бўйича мусулмон давлатлари ичида юқори ўринлардан бирини, ривожланган мамлакатлар ичида эса ўнинчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бундай юксалиш, албатта, оналарнинг мадади билан рўёбга чиққанлиги ҳақидаги ҳақиқат, турк оналарига бўлган эҳтиромимизга яна эҳтиром қўшди.

Ҳа, турк оналаридан ватанпарварлик бобида ҳар қанча ўрнак олинса, арзир экан.

ШАҲИД БЎЛМАС ЭДИЛАР

Она Туркистонда ҳам жаннатмакон оналар кўпдирким, улар ҳақида агар китоблар битилса, катта бир кутубхона токчалари етишмай қолса керак. «Нодира» таҳаллуси билан ғазаллар битган Моҳларойим шу каби жаннатмакон оналар сирасига кирадилар.

Моҳларойим таваллудларининг 200 йиллиги жумҳуриятимизда онамизнинг мавқеъ ва нуфузларига, обрўэътиборларига муносиб тарзда ўтказилмоқда. Кўплаб ватандошларимиз сингари, биз ҳам бундай ҳурмат-эҳтиромдан мамнун бўлдик. Ушбу сана муносабати билан Тошкентда ўтказилган анжуман, айниқса, бир умр ёдда қоладиган бўлди. Ушанда севикли шоирамиз Ҳалима Худойбердиева қалб сўзларини айтиб, «Нодираи даврон» деб номлаган шеърларини ўқиб берганларида, бошқалар қатори менинг ҳам кўзларимдан ёш чиқди. Шеърни тинглар эканман, кўзларим ойнаи жаҳонномада-ю, хаёлим ўтган аср сари, Моҳларойим ҳузурларига ошиқади:

Ҳижрий 1258 йил, Шаъбон, милодий 1842 йил, 21-май... Айрим аёнларнинг кўмаги ҳамда хонликдаги вазиятдан фойдаланиб, Бухоро амири Насруллохон Хўқандни босиб олишга муваффақ бўлади. Қўқон хони Муҳаммадалихон, унинг ўғли Муҳаммад Амин ва укаси Султон Маҳмудхон қатл этиладилар, хон саройининг кули кўкка совурилади. Шусиз ҳам қаттиқ изтироб тоши остида эзилиб ётган Моҳларойим туғён кўтарадилар. Ойимнинг туғёнларига сабаб фақатгина ўғиллари ва набираларининг қатли десак, қаттиқ янглишган бўламиз. Илло, Моҳларойим нафақат Муҳаммадалихоннинг оналари, балки, Хўқанд мамлакати фуқароларининг оналари, таъбир жоиз бўлса, Туркистон онаси эдилар. У мўътабар онанинг халққа ғамхўрликларини, етимпарварликларини, Туркистонда тинчлик-осойишталик, тотувлик ўрнатиш борасида қилган сайъи-ҳаракатларини тарих билади, тарих билмайдиган томонларни Аллоҳ билади. Моҳларойимнинг туғёнларидан ғазабга келган, аччиқ-аччиқ сўзларидан ранги лавлаги даражасига етган Насруллохон бокира онамизни бир неча аҳли ҳарам ҳамроҳлигида жаллодга топширади.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан Тошкентда йиғилишиб, Ҳамдўстлик тузадилар. Мазкур минтақада яшайдиган халқларнинг ўзаро яқинлашуви, иқтисодиётининг юксалуви, хавфсизлиги ва осойишталикни таъминлаш сари яна бир улкан, залворли қадам ташланди. Агар... агар, бундан юз эллик-икки юз йиллар муқаддам шу тариқа эзгу ҳаракатлар бўлганда эди, агар ҳар уч хонликни бирлаштира оладиган бир соҳибқирон ўтганда эди, уч хонлиқ бир туғ остида бирлаша олмаган тақдирда ҳам, улар ўзаро иттифоқ бўлиб яшаганларида, азиз юртимиз бошқалар асоратига тушмаган бўларди, тараққиёт авж олгуси эрди, минглаб бегуноҳларнинг қонлари ўзаро урушлар, низолар оқибатида тўкилмаган бўлур эди, минглаб қатори Туркистон онаси — Моҳларойим ҳам шаҳид кетмаган бўлур эдилар.

Изо заҳара ал-ҳаққу лам ябқа мааҳу ғайруҳу (Ҳақиқат равшан бўлган вақтда бошқа нарсаларга ўрин қолмайди).

ИККИ МУЛОЗИМДАН БИРИ

(завжамизнинг кундалик дафтаридан)

Президентимиз Ислом Каримов Туркия сафаридан қайтганларида, барча халқ ноиблари ҳам навбати билан чет эл сафарларига чиқажакларини айтиб ўтган эдилар. Шундан бери кўпгина халқ ноиблари турли мамлакатларга бориб, тажриба ўрганиб келдилар. Президентимизнинг Мисрга сафарларида у кишига ҳамроҳ бўлган халқ ноиблари сафида муҳтарама шоирамиз Ҳалимахон Худойбердиева ҳам бор эдилар. Ҳалимахоннинг суҳбатларини соғиниб юрган эдим, у кишидан сафар таассуротларини тинглаш иштиёқи сабаб, болаларнинг дадасига мурожаат қилдим:

Ҳизмат юзасидан Тошкентга бориб турасиз, бирор кун бизни ҳам ола кетсангиз, Ҳалимахонни кўриб келар эдик.

Кўп ўтмай Ўзбекистон халқ артисти Раҳимахон опа Мазоҳидовани ўзимизга ҳамроҳ қилиб, Ҳалимахоннинг хонадонларига кириб бордик.

Ҳалимахонга эҳтиромимизнинг сабабларидан бири у кишининг хассос шоираликлари бўлса, бошқа сабаблари—шоиранинг халқ ноиби сифатида халққа хизмат қилиб, етимларнинг бошини силаб, бева-ларнинг оғирини енгил—юрт онаси сифатида кўрсатаётган жўшқин фаолиятларидир. Шоира муҳаррирлик қилаётган «Саодат» журналини нафақат Марказий Осиё хотин-қизлари, балки хориждаги дугоналаримиз ҳам севиб мутолаа қиладилар. Журналнинг бош мақсади, бош вазифаси Ҳалимахон ташаббуси билан битилган, «Аввал онанга, онанга ва яна онанга, сўнгра отанга...» деган ҳикматли ойнасўз мазмунидан аёндир.

Миср хотираларини бир қатор сўзлаб бергач, Ҳалимахон юмуш билан хонадан чиққанларидан сўнг, биз шоиранинг волидалари билан суҳбатга тутиндик. Чеҳраларида нур барқ уриб турган, сочлари оқарган, юзлари ҳали ширмон сифатини йўқотмаган бу муҳтарамаи волида бир қарашдаёқ рисоладаги ўзбек оналарининг бир намоёндаси эканликларини ҳис қиласан, киши. Суҳбат сўзсиз Ҳалимахон ҳақида борар эди.

— Қизимдан хурсандман, эл-юртга танилди, сиз каби мухлислар орттирди, шундай фарзандни орзу қилар эдим, худога минг қатла шукрки, орзумга эришдим. Ёшли гимда, — деб суҳбатни давом эттирдилар,—ота-онамизнинг, ёши улуғларнинг доно сўзларидан кўпдан-кўп баҳраманд бўлганмиз. Эналаримизнинг айтишларича, ҳар бир онанинг вазифаси, аввало, фарзандни тарбият қилиш, беминнат вояга етказишдан иборатдир. Гўдак она қорнида тўққизой-у тўққиз кун ётиб, ёруғ дунёга келиш вақти-соати етганда, она қорнида барча шарт-шароит муҳайёлиги боис ер юзига тушишни хоҳламай қолар экан. Шунда Аллоҳ-таоллоҳдан нидо келар экан, ки, «—Эй мурғак бандам, оғринмасдан тушаверинг, сиз учун хизматда бўладиган икки нафар мулозим тайёр турибдилар» деб. Шундан сўнг гўдак ер юзига тушгани ҳамоно, уни доя момоси қўлига олиб, онасига кўрсатар, чақалоқни кўриб, онанинг меҳри юз чандон ошар экан.

Шундан бошлаб мазкур болага ота-она кечани-кеча, кундузни-кундуз демай хизмат қилади, уйқусиз ўтказган тунларидан оғринмайди. Аллоҳ томонидан тайинланган ўшал икки мулозим ота билан она экан.

Оналаримизнинг яна бир ўгитларига амал қилишга ҳаракат қилдик. Айтишларича, катта ёшдаги бир киши жамоат ичида ўтириб, ўзининг илмсизлигидан кўп афсус ва надоматлар қилган. Жамоат унинг надоматига ҳамдард бўлиб, илмсизликда унинг ўзини айбламай, фарзандга илм бериш, аввало, ота-онанинг бурчи эканлигини таъкидлаган. Бас шундай экан, мен фарзандларим олдидаги ана шу қарзимни ҳам узишга ҳаракат қилдим, уларнинг ҳаммасини ўқитдим, илм олишлари учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Ҳалимахондаги илмга интиқлик менинг ҳаракатларимга пайваста бўлиб, алҳамдуллилоҳ, меҳнатлари зое кетмади.

Тошкентдан қайтар эканмиз, шундай онадан доимо ўрнак олишимиз зарурлигини ўйладим. Бундай оналар бор эканлар, юртимиз обод, ҳаётимиз тўкин мўлаверади, илм-маърифат гуллаб-яшнайди, эзгулик устивор бўлади.

Дафтарим саҳифаларини варақлашда давом этар эканман, мозийда ва онийда жаннатмакон оналар беадад эканликларига иқрор бўлдим. Иқрор бўлдим-да, уларни яратган, уларга жаннатдан жой ато этган Аллоҳга ҳамду сано ўқидим, беихтиёр, қўлларим дуога очилди. Мозийда ўтган буюк оналаримиз: Туронни бирлаштириб буюк давлатга айлантирган Алп Эртўнга (Афросиёб)нинг оналари Туркон Хотун, соҳибқирон Абдумуслим Марвазийнинг оналари Ҳалимабону, соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг оналари Тегина хоним, Амир Умархоннинг оналари Мингойим ва шавкатли Туркистоннинг бошқа жаннати оналарига раҳмат ато этган Аллоҳдан, ҳозирги пайтда зиндалик боғида умргузаронлик қилаётган оналаримизга Марказий Осиё Ҳамдўстлиги рамзига айланган чинор умридек умр тиладим. Инсон, хоҳ у фотиҳ бўлсин, хоҳ аллома бўлсин, хоҳ Аллоҳнинг оддий бир бандаси бўлсин, аввало Она фарзандидур. Улар шаънига айтиладиган мадҳ, уларга бўлган миннатдорлик, аввало Онага, мазкур кишини дунёга келтирган, ёҳуд, тарбиялаб вояга етказган оналарга тегишлидир. Ўшал фотиҳлар, ўшал алломалар. Она учун, аввало зурёд сифатида намоён бўлади. Фотиҳлар юртни ҳимоя қилиб, эл назарида қаҳрамон даражасига етсалар, аҳли илм китоблар битиб, кашфиётлар яратиб аллома даражасига эришсалар, умуман ҳар қандай инсон бирор бир ютуққа эришар эканлар Она назарида, гўё, ўз сийнаси сари талпинаётган гўдак сийносида қоладилар. Онанинг шарафини улуғлайдиган фазилатлардан бири ҳам аввало, шундан иборатдир. Оналарни дуо қилишда давом этиб, шуни айтаманки, уларнинг мунис кўзларига ёш келадиган бўлса, у фақат севинч ёшлари бўлсин, Фарзандлари Тўмарис, Зарина, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби юрт ҳимоячилари, ал Фарғоний, ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Таййиб Хўқандий, Исмоил Бухорий, Ҳожа Бурҳониддин Марғилоний каби аллома бўлиб етишувларини, фарзандларининг иқболини кўриш шарафига муяссар бўлишларини тилаб, тафаккур хазинаси, мен учун мушоҳида манбаи бўлган «Арбаъин» мутолаасида давом этдим...

Нуриллохон ҳожи АБДУЛЛОХОН ўғли.
Қўқон шаҳар «Исфара гузар» маҳалласи оқсоқоли.

НАВКАРНИНГ БЕГИГА ВА БЕКНИНГ НАВКАРИГА МУОМАЛА ҚИЛИШИ ТУЗУГИ

Тўғри навкар билсинки, у агар ўз навкари бўлган тақдирда ундан нимани кўзласа, айнан шу нарсани унинг беги ҳам ўзидан кўзлайди. Шундай бўлгач, ўзини бек хизматидан озод этилган деб ҳисобламасин. Яна шуни ҳам билиши керакки, агар беги унга аввалига иноят-марҳаматлар қилса-ю, охири иноятсизлигу илтифотсизлик қилса, у ҳолда айб ва нуқсонни бегидан эмас, ўзидан ахтарсин. Тўғри, навкар ўз бегига ихлос қўймай, кўнглида кина-қудурат сақласа, ихлоссизлик ва адовати туфайли бахтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос қўйган навкарнинг бойлигу давлати ва ноз-неъматлари кундан-кун ортиб боради.

Бегига эътиқоди кучли навкар улким, унинг оғир-қаттиқ эътирозли сўзларидан ранжиб, кўнглида кек сақламайди. Бегидан содир бўлган камчиликни ўзидан деб билади. Шундай навкар таъмину тарбияга лойиқдир. Қайси навкарнинг ҳиммати емак-ичмак; яхши кийинмаккагина боғланар экан, албатта, иш вақтида сусткашлик қилади. Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида [меҳнатдан] юз ўгирар экан, ундай навкардан юз ўгирмоқ керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, (Бўлод ва Темур ўғлон бошимга иш тушганда ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби) бунга ўхшаш навкарлар, номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдилар. Бундай кишиларни парвардигори оламга топшириш зарур.

Яна ҳақиқий подшоларга лозимдирки, қайси навкарни ўзлари улуғлаб кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан туширмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни ташламасинлар. Қимни билган ва таниган бўлсалар, уни унутмасинлар. Агар аҳён-аҳёнда унинг иззат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгаригидан икки баробар ортиқ иззатини оширсинлар ва ўша навкарни ўз ихлоси ва эътиқодига ҳавола қилсинлар. Агар у кўнглида кина-адоват сақласа, тез орада ўзи бахтсизликка учрайди. Бегининг кўнглида яхшилиги билан жой олган ҳар бир навкар, куни келиб яхшилик кўриши ҳақдир.

Қайси бир навкар ўз ихтиёри биланми ёки ихтиёрисизми бегидан ажраб кетган бўлса-ю, кейинроқ яна қайтиб келса, уни ҳурматласинлар, чунки у ажралиб кетганидан пушаймон бўлгани учун ҳам қайтиб келган.

Яна амр қилдимки, ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Агар шундай кишилардан биронтаси жанг вақтида қўлга тушса ёки ғаним томонидан умиди узилиб, бизга келиб хизмат қилишни ихтиёр қилган бўлса, уни азиз тутсинлар, мартабасини ошириб, вафодор одам деб билсинлар. Чунончи, Менгли Буғо, Ҳайдар Андхуди ва амир Абу Саййид — булар олти минг отлиқ аскар билан Балх дарёси[1] бўйида менга қарши жанг қилдилар. Кейинроқ Туғлуқ Темурхондан ноумид бўлиб, менинг паноҳимга келганларида уларга иззат-икром кўрсатиб, Ҳисори Шодмон, Андижон ва Туркистон вилоятларини уларга инъом қилдим.

Ва амир қилдим, ҳар бир навкар ғаним наздида ҳурмат-эътиборга эга бўлиб қадрлансаю, бироқ жангу жадал вақтида ўз бегига хиёнат қилиб, унинг душманига дўстлик қилса, туз ҳақини, бек ҳурматини, навкарлик [бурчини] ва [ундан] кўрган ноз-неъматларини унутса, ўз бегининг душманига ён босиб, уни ўз бегидан устун қўйса, бундай кимсани хизматга йўлатмасинлар. Ҳаётнинг ўзи бундайларнинг қилмишига яраша жазосини беради.

Қайси бир навкар юриш вақтида ўз бегидан юз ўгириб, ундан ажралиб, [сизнинг] олдингизга хизмат истаб келса, ундай навкарга ишониб бўлмайди. Агар у маълум муддатдан кейин кўп хизмат қилиб вафодорлигини кўрсатса, у чоғда уни олиб қолса бўлади. Агар [бирон навкар] юриш вақтида эмас, уруш бўлмаган чоғда келиб, хизмат қилишни ихтиёр этса, унга иззату эҳтиром билдирсинлар.

Агар вазирлардан ёки навкарлардан биронтаси [уруш кунларида] тадбиркорлик ишлатиб, душман билан алоқа боғлаб унга ошнолик қилса ва шу либосда ўз бегининг ишини битирмоқчи бўлса, ундай одамни энг ақлли дўстдан ва хизматкорлардан деб ҳисоблаш зарур. Лекин бирон навкар душман билан келишиб, ўз хожасига мунофиқлик қилса, бундай навкарни душманга тақдим этиш керак.

Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, ғанимни синдирар экан, ғаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмаслик лозим, аксинча, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлансинлар.

[1] Балх дарёси — Амударё ўрта асрларда шу ном билан ҳам аталган.

«ТАДБИРКОР» ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАЙДИ



Самарқандда янгидан ташкил этилган «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банки вилоятда иш кўраётган ишбилармонларга моддий жиҳатдан ёрдамлашади.

— Сир эмаски, кейинги пайтда қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги-янгилари шаклланмоқда, — дейди биз билан суҳбатда вилоят акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банки бошқарувчиси Бердиали Бердимуродов. — Деҳқон хўжаликлари, фермерлар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар, ширкатлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цехлар шулар жумласидандир. Биз ана шуларга молиявий хизматни яхшилаш мақсадида молия вазирлиги билан ҳамкорликда акционерлик-тижорат банки очдик.

«Тадбиркор»нинг мижозлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу ерда молиявий операцияларни тез ва соз амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирданоқ бу банкдан ёрдам олган фермер ва деҳқонларнинг иши юришиб кетди.

Фармон ТОШЕВ.

СУРАТДА: вилоят акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банки бошқарувчиси Бердиали Бердимуродов «Тадбиркор» банки бошқарувчиси Илҳом Ҳайдаров билан ишбилармонларга ёрдам бериш ҳусусида суҳбатлашмоқда.

Зоҳир ТУРАҚУЛОВ олган сурат.

АНДИЖОНДА КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Илгари оғир юрак касаллигига дучор бўлган беморлар даволаниш, операция қилиш учун Москвага юборилар эди. Бозор иқтисодиётига ўтилгач, қўшни вилоятга бориб-келиш ҳам қийинлашиб қолди. Нима қилиш керак?

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Сайфиддин Турсунов бир неча йилдан бўён шу ҳақда бош қотирар, катта йиғинларда Андижонда кардиология маркази очиш зарурлиги ҳақида гапириб келарди. Лекин бу таклиф амалга оширилмаганди.

Юртимизда мустақиллик эшиги очилгач, тиниб-тинчимас олим тағин шу масалани кўтарди. Унинг илтимоси билан Андижонга ташриф буюрган Киев илмий-текшириш олий билим гоҳининг юрак-қон томирлари жарроҳлиги бўйича билимдон олими, халқаро тиббиёт фанлари доктори К. Бобожонов ҳам Андижонда кардиология маркази очиш зарур, деган фикрга тўла қўшилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон тиббиёт институти ҳамда унинг клиникаси раҳбарияти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Андижон ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси эса ҳомийликни ўз зиммасига олди.

Ниҳоят, Андижон тиббиёт олийгоҳининг клиник шифохонасида водийда биринчи кардиология маркази очилди. Бу ерда Ўзбекистон ва ҳамдўстлик мамлакатларидан таклиф қилинадиган тажрибали олимлар, юрак-қон томирлари жарроҳлик бўлимлари ходимлари ишлайдилар.

Кардиология маркази Германия, Япония, Швеция ва Туркиядан келтирилган энг замонавий, ноёб тиббиёт аппаратлари билан таъминланди.

Сайфидин Юнусович яқинда Туркия сафаридан хурсанд қайтиб келди. У «Комеса» фирмаси билан шартнома тузди. Ҳомий ташкилот — Андижон ипгазлама бирлашмаси бу фирмага чиқит материаллар юбориб туради, фирма эса кардиология марказига камёб диагностика аппаратлари етказиб беради. Кардиология маркази қошида Туркия билан ҳамкорликда 40 ўринли юрак-қон томирлари жарроҳлик бўлими очилди.

Шу кунларда бу ерда биринчи марта юракни операция қилиш бошланади. Операцияда машҳур ва етакчи олимлардан Киев юрак-қон томирлари жарроҳлиги илмий текшириш олийгоҳидан академик Г. А. Книшев, москвалик таниқли академик А. В. Покровский бошлиқ бир гуруҳ олимлар иштирок этиши кутилмоқда.

Андижонда кардиология марказининг очилиши мустақил республикамиз ва вилоятимиз тиббиётида катта воқеа ҳисобланади.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

— Кел, сени бир суратга олай.

В. ПАНОВ олган сурат.

ҚОР ЁҒДИ, ИЗЛАР БОСИЛМАДИ

Бир генерал қилмишлари

Ички ишлар соҳасида йигирма йилдан зиёд хизмат қилиб келяпман. Ўтган давр ичида кичик лейтенантликдан полковник даражасигача бўлган йўлни босиб ўтишга тўғри келди. Ҳар сафар унвоним ошганда танлаган соҳамга меҳрим, зиммамда эса масъулият ошиб борди. Дастлаб иш бошлаган дамлардаёқ «Генерал бўлиш қандай яхши... » деган сўзлар билан бошланувчи қўшиқни хиргойи қилардик. Рост-да, Суворов таъбири билан айтганда, генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскарми?

Биз ҳам хизмат давомида не-не генераллар билан ишлашмадик. Уларнинг сўзларига, қадам ташлашларига беихтиёр тақлид қилардик. Айниқса, мен ўзбек генералларига алоҳида ихлос қўйгандим. Фахрланса арзийдиган жанговар ишлар қилишганди улар. Лекин мен бир генерални билардим, унинг тубанлик ва сотқинлик йўлларида қилган қилмишлари қалбимда нафрат ҳисларимни уйғотарди.

Унинг жирканч фаолияти юртимиз осмонида қора булутлар кезганида — яқин ўтмишимиздаги қатағон даврда бошланганди. Ўзбекистонга «десантчилар» бамисоли қора калхатдай ёпирилганда, Гдлян ва Ивановлар қонли бармоқлари билан диёримизга доғ тушираётганда,ҳали у КГБ да эканлигидаёқ сотқинлик қонунига кўра иш кўра бошлаганди. Тўғри, у пайтда ҳали генераллик чўққисига кўтарилмаганди, лекин мақсадга эришиш учун барча восита яхши деганларидек, республика давлат хавфсизлик қўмитасида бошқарма бошлиғи эканлигида Гдляннинг қўлига «гаҳ» деса қўнишга тайёр эди. Газетхон гап ким ҳақида кетаётганини пайқагандир. Ҳа, балли, мен Вячеслав Мухторович Камолов ҳақида сўз юритяпман. Вячеслав Мухторович билан қатиқ ялашганларнинг аксарияти уни мусичаи беозор деб таърифлашади. Лекин иши тушмаганларга шундай бўлиши мумкин. Тақдири унинг қўлига тушганлардан бир эшитиб кўринг-а. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида Вячеслав Мухторович кўча-куйда мусичадек юрган билан аслида у Ўзбекистон КГБси ҳибсхоналарининг асл ҳукмдори эди. Бу ерда унинг айтгани айтган, қўйгани қўйган эди. Ҳа, ҳа, КГБ ҳибсхонасининг калитини даҳшатли Гдлян ана шу «мусича»га топшириб қўйган ва аслида ўзига малайликка муносиб номзод танлашда адашмаган эди. Афсуски «десантчилар»нинг малайлари ҳам ёлғиз эмасди. Улар орасида генераллардан тортиб собиқ «давлат арбобларию», қирриқ ветеранларгача бор эди.

Албатта, В. Камоловни нодонликда айблаб бўлмайди. У лавозим ва мартаба супаларини кўзлар экан, ўз нияти сари ниҳоятда устакорлик билан, зимдан интиларди. Ўзбекистонда сиёсий вазият қандай, ким-кимга яқину ким-кимга душман? Гдлянчилар бу маълумотларни В. Камоловдан олиб келишган дейишга тўла асосларим бор. Ана шу хизматлари учун унга давлат хавфсизлик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари курсиси ҳадя этилди.

Энди кўп нарсалар аён бўлганда, сув тиниган бир пайтда Вячеслав Мухторовичдан сўрасангиз: КГБ ҳибсхоналарида ноҳақ жабр чеккан одамларимиз уволи виждонингизни қийнамадими? Лекин В. Камоловнинг виждон ҳақида ўйлашга фурсати ҳам, истаги ҳам йўқ эди. Қанча кўп одамни бадном қилса, шунча мартабаси ошарди. Ўзбекистон алғовдалғов кунларда у республика ички ишлар вазири лавозимини эгаллади, погонига генераллик унвони тақилди. Вячеслав Мухторович ёлғиз қолмади, унгача бу идорани Дидоренко, Теплов деган генераллар титратиб турилганди. «Десантчилар» иродасини амалга оширишга янги вазирнинг қадами қўл келди.

Биз ҳозир уюшган жиноятчилик ҳақида кўп гапирямиз. Хўш, ўша тўдалар қачон уюшиб қолишди экан? Менинг назаримда, маҳфиянинг асосий фаолияти ички ишлар вазирлиги тепасида В. Камолов, А. Дидоренко сингари генераллар туришганда авжига чиққанди. Ҳалол, тўғри сўз орган ходимлари жиноятчини тутиб келишар, эртаси куни генералнинг бир ишораси билан қўйиб юборилаверарди. Жазосизлик ундан ҳам ёвуз жиноятларни келтириб чиқарарди. Генерал Дидоренконинг эркатой ўғли уюшган жиноятчилар билан бирга билган номаъқулчилигини қилар, лекин ҳомий ота туфайли осон қутулиб кетарди. Хўш, кенг жамоатчиликка маълум бўлган бу гаплардан вазир жаноблари бехабар қолган дейсизми? Йўқ, албатта. Ҳуқуқ илмида жиноятни кўриб кўрмасликка олиш ёки бекитиш қонунга кўра жиноятга шерикчилик, деб баҳоланади.

Вячеслав Мухторович жиноятчи гуруҳлар билан очиқчасига оғиз-бурун ўпишиши оддий воқеага айланганди. Неча йиллар Қўқон томонларни зир титратиб келган Турдиали ва унинг гумашталарини ана шу генералнинг ўзи паноҳига олиб келганини қўплар яхши билишади.

Вазир ўз қанотини кенгроқ ёйиш мақсадида ҳаммаслакларини атрофига тўплай бошлади. Сотқинлиги учун Гдлян томонидан «оқланган» шахслар В. Камолов атрофига уюша бошлади. У ўзига биринчи ўринбосар қилиб халқимиз ҳаёти, урф-одатларини яхши биладиган, тупроғимизни қадрлайдиган одамни эмас, балки Москвадан Виктор Николаевич Гусев деган зотни топиб келди. Унга ҳам генераллик унвонини тақдим этишди. В. Камолов В. Гусевга кадрлар билан ишлаш вазифасини топширди. Ибратли ишлари билан намуна кўрсатган қатор ҳамкасбларимиз юқори лавозимларга барча чиғириқлардан, ҳатто вазирлик ҳайъатида тасдиқланишса ҳам В. Гусевдан ўтишолмасди. Вазирнинг биринчи ўринбосари «чиққан жойига қайтиб кетиш» олдидан бир иш қилди. Марказдан тақсимланган юзлаб автомашина ва минглаб техникавий аппаратларни Ўзбекистонга керак эмас, деб олдириб ташлади.

Свидерский деган жаллод терговчининг номини эшитса, ҳалиям қанча юртдошларимиз бир сесканиб тушишади. Унинг бошчилигида ўзбекларнинг қабристонлари портлатилди. У Ўзбекистондан қайтаётганда ватанига икки контейнер юк билан жўнади. Ахир Свидерский бу ерга юк билан келмаганди-ку?! Ички ишлар вазири В. Камолов шу саволни бериш ўрнига Республика транспорт милицияси ходимларига Свидерскийнинг юкини жўнатишга кўмаклашишни шахсан топширди. Ажабо, «ҳалоллик»ни Ўзбекистонга «экспорт» қилган бу зот контейнерда нима олиб кетдийкин,: терговдаги далилий ашёларними ёки...

Бу саволни ҳам В. Камоловга берай дейсизу, аммо у сизни эшитмайдиган жойда. Ўзбекистон мустақил бўлиб, ҳар бир фарзандидан зўр ғайрат ва шижоат талаб қилиб турган бир пайтда В. Камолов «кўр кўрни қоронғудан топади» деганларидек, гумашталари изидан Москвага жўнаб қолди. Шундай қилмаса, хашаги очилиб шарманда бўлишини сезди, шекилли?!

Ҳа, Москва ҳозир Ўзбекистонда яшашдан юзи шувит зотларга паноҳлик қилмоқда. Ахир бу улкан шаҳарда ўроқ-болға тасвири туширилган Қизил байроқлар, «СССРни тиклаймиз» қабилидаги шиорлар пайдо бўлмоқда. Ҳеч бўлмаса, юртидан, тупроғидан тонган Камоловга ўхшаганлар ўша манзараларни кўриш орқали ўзларини овутишар. Эҳтимол яна «Қизил салтанат» ғолиб келишидан хомтама бўлиб юришгандир. Амал ва мартаба талашиб ниятига етолмаган собиқ Ўзбекистонликлар кимларнингдир ёрдамлари билан чет элларга бориб келишяпти. Тайинли жойда ишламаётган бундай кимсалар бозор иқтисодиёти даврида йўл ҳаражатлари, рўзғор халтаси учун маблағни қаердан олишаётган экан? Хорижга Россия хавфсизлик қўмитасисиз кетишолмайди, кимдир таянч бўлаётгандир. Ўша таянч ўзбек генерали В. Камолов эмасмикан?

Марказий телевидениеда кўрсатилган «Ойнинг қоронғи томонида» деган телевизион бадиий фильмда меҳнаткаш халқимиз шаънига қанчалар мағзава ағдарилгани ҳамон ёдимизда. Лекин шу кинога айнан генерал В. Камолов маслаҳатчи бўлгани ҳамманинг ёдидамикан? Ҳа, шу фактнинг ўзиёқ собиқ вазирнинг ҳақиқий башарасини яққол намоён қилади.

Ўзбекистоннинг тузини ичиб, тузлуғига тупуриш учун қанчалар тубанликка бориш мумкин?! Биз мустақиллик туфайли қўлга киритган натижаларимиз ҳақида кўп гапирамиз. Айни пайтда шу мустақиллик Ўзбекистон давлатининг ҳақиқий дўстлари, жонкуярлари киму зимдан ғижиниб юрган ғанимлари кимлигини ажратиб, саралаб берганини англаб етишимиз керак. Вячеслав Камолов кабилар миллий қадриятларимиз тикланган, Ўзбекистон номи олам узра бўй кўрсатаётган замонда ўзларини ноқулай сезиб, олис юртларни ихтиёр этса не ажаб.

Жиноий унсурларда шундай «фалсафа» бор: қор ёғар, излар босилар. Шу уларга таскин бергандай бўлади. Йўқ, бекорга хомтама бўлишади. Камоловларнинг давридан буён анча-мунча қорлар ёғиб ўтди Бироқ бу сотқинликнинг изини босмайди, босолмайди ҳам.

Дунёда садоқатли, ватанпарвар, эзгу ниятли одамлар кўп. Улар туфайли, борлиқ гўзал, тароватли. Лекин, минг афсуски, сотқин, мунофиқ, иккиюзламачи зотлар ҳам учраб туради. Буни қарангки, генераллар орасида ҳам сотқини топиларкан. Макр, мунофиқлик унвон танламаскан.

Генералинг сотқин чиқса арзу додингни кимга айтасан ахир, дейишингиз мумкин. Лекин эртами-кечми буларнинг ҳаммасига халқ баҳосини беришини аниқ билардим. Мен жафокаш ,ҳалол, КГБ ва «қизил империя» ертўлаларини енгиб чиқа олган халқимга ишонаман. Эҳтимол сотқинлар бугун ҳам қаердадир ўзларига иссиқ макон топишгандир, яна кимларнидир сотишаётгандир. Аммо ундайлар қудратли, ўткир назарли халқнинг нигоҳидан бекинишолмайди. Нафратидан ҳам!

Иброҳим ҲАЙТЕНОВ,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги транспорт ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ХАЛҚАРО САВДО УЙИ

Белорусь йирик тижорат банкининг Ўзбекистондаги вакили

— пул маблағларини Белорусь республикасига ва у ердан бу ерга тез ўтказишни

— БЕЛАЗ, КАМАЗ, КРАЗ, К—701 автошиналарини; МТЗ—80 тракторининг Д—242, Д—243, Д—245 маркали двигателларини етказиб беришни

ТАЪМИНЛАЙДИ

Телефонлар: 32-22-07, 68-16-42.

КОРХОНАЛАР, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ, ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР, ТИЖОРАТ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Гидрогеология ахборот маркази шартнома асосида ўзининг қуйидаги хизматларини таклиф этади:

— ер ости сувларидан халқ хўжалигида фойдаланишни гидрогеологик асослаш ва бу ҳақда тавсияномалар, рухсатномалар бериш;

— ер ости суви иншоотлари (водозаборлар) ва бу сувларни булғатувчи объектларни гидрогеологик ҳамда экологик жиҳатдан текшириш;

— ер ости сувларидан фойдаланишнинг атроф-муҳитга таъсири ва шу билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича малакали маълумотномалар бериш.

МАНЗИЛИМИЗ: 700041, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси, Морозов кўчаси, 64а уй, Ахборот маркази.

ТЕЛЕФОНЛАР: 62-76-66, 62-75-92.

«АСТРОВАЗ»

АКЦИОНЕР СУҒУРТА ЖАМИЯТИ БАРЧА МАНФААТДОР ШАХСЛАРГА

БИЗНИНГ ФИРМАМИЗ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАТЕНТ ИДОРАСИ ТОМОНИДАН

янги номда ва товар белгисида:

«АРК СУҒУРТА ГРУППАСИ»

«ГРУППА СТРАХОВАНИЯ АРК»

«ARK INSURANCE GROUP»

рўйхатга олинганлигини маълум қилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700064, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 14-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 55-66-86, 55-67-10, 55-65-58.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

1993 йил ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика;
— назарий механика;
— деформацияланадиган қаттиқ жисм механикаси;
— ядро ва элементар заррачалар физикаси;
— бинокорлик қурилмалари, иморатлар ва иншоотлар;
— иншоот асослари ва пойдеворлари;
— иссиқлик ва газ билан таъминлаш, шамоллатиш, ҳавони тозалаш, ёритиш;
— сув таъминоти, оқава сувлар, сув манбаларини муҳофаза қилиш қурилиш системалари;
— қурилиш ашёлари ва буюмлари;
— қурилиш механикаси;
— геодезия;
— сиёсий иқтисод;
— халқ хўжалиги ва унинг тармоқлари иқтисодиёти, режалаштириш, ташкиллаштириш ва бошқариш;
— архитектура назарияси ва тарихи, архитектура обидаларини тиклаш;
— бино ва иншоотлар меъморчилиги;
— шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва қишлоқларни меъморий режалаштириш.

Аризалар 1993 йилнинг 1 апрелидан 30 апрелигача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари олий ўқув юрти дастури бўйича фалсафа, чет (инглиз, немис, француз) тиллари ва мутахассислик фанидан 1993 йилнинг 3 майидан 25 июнгача ўтказилади.

Кириш имтиҳонларини топшириш учун ариза ва ҳужжатлар (диплом ва баҳолар кўчирмасидан нусха, тафсифнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрлар ҳисоби шахсий варағи, таржимаи ҳол, 2 тадан 3х4 ва 4х6 фотосурат, илмий ишлар рўйхати институт ректори номига қуйидаги манзилгоҳга юборилсин:

700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 13. Аспирантура бўлими: 222-хона.

Телефон: 44-18-79.

«ИВЕРСОН» — БУ ЖАҲОНГА САЁҲАТ

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Сиз мароқли саёҳатга жўнашни хоҳлайсизми?

Сиз хориждаги ишбилармон шерикларни қидираяпсизми?

Сиз ўз молиявий муаммоларингизни ҳал этишни истайсизми?

«ИВЕРСОН» САЙЁҲЛИК ФИРМАСИ

бунда Сизга ёрдам беради!

Бугун биз:
- Бирлашган Араб Амирликларига
- Малайзияга
- Покистонга
- Америка Қўшма Штатларига
- Исроилга

сафарларни таклиф этамиз.

Хизмат кўрсатиш шароитлари — ҳар жиҳатдан қулай!

Йўлланма нархи — ҳамён кўтарадиган даражада!

Ҳақ тўлаш шакли — Сиз учун энг қулай!

Шерикчилик — энг ишончли!

Британия «Ўзбекистон Иверсон лтд» компанияси Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича давлат лицензиясига эга.

* * *

«ИВЕРСОН» фирмаси сайёҳлик йўлланмаларини сотиш бўйича ишга барча хоҳловчиларни таклиф этади.

Иш ҳақи сотилган йўлланмалар миқдорига боғлиқ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОН: 45-13-63.

(«Халқлар дўстлиги» метро бекати).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент шаҳар мева-сабзавот саноати бирлашмаси тайёрлов бўлими бошлиғи Н. Н. Носировга укаси

МАНСУРХОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилоятининг Бўз тумани ҳокимлиги таниқли журналист, ёзувчи, ҳамшаҳримиз

Мирзакарим ПИРМАТОВнинг

вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг бошқаруви ва Тошкент журналистлар ташкилоти бошқаруви уюшма аъзоси, таниқли журналист, «Ўзбекистон овози» газетасининг ходими

Мирзакарим ПИРМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Оснё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Ургенчда 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01.
Қаршида — 3-25-79;

Навбатчи муҳаррир: А. ПЎЛАТОВ.

- Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди
- Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
- Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
- Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
- Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи — 169.328 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.40.
Г—115 № 55.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.